


### III. САНОАТ


Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йил январь-сентябрь ойларида республика корхоналари томонидан 234,7 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, саноат ишлаб чиқариш индекси 107,0 % ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,9 % га (жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 6,5 ф.п.), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг – 1,9 % га (0,3 ф.п.), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг – 1,1 % га (0,1 ф.п.) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 6,2 % га (0,1 ф.п.) ўсиши ҳисобланади.

#### Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, %



## 2019-йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турларини саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига қўшган хиссаси



### Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2019 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 30,8 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 13,1 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича шағал қазиб олиш ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан – 56,6 % га ошганлигини, шу билан бирга кўумир қазиб олиш – 6,8 % га, нефть – 6,5 % га, газ конденсати – 3,3 % га, чақиқ тош – 9,1 % га ва табиий газ – 0,8 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

### Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Нефть	минг т	524,9	93,5
Газ конденсати	минг т	1 557,2	96,7
Табиий газ	млн. куб. м	45 058,3	99,2

	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2019 йил январь- сентябрь</b>	<b>2018 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да</b>
Кўмир	минг. т	2 711,8	93,2
Шағал	минг. т	449,9	156,6
Чақиқ тош	минг. т	993,6	90,9

### **Ишлаб чиқарадиган саноат**

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 188,0 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 80,1 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,5 % ни (2018 йил январь-сентябрь ойларида – 1,7 %), ўрта-юқори технологиялини – 25,1% (26,8 %), ўрта-қуи технологиялини – 38,2 % (33,4 %) ва қуий технологиялини – 35,2 % (38,1 %) ташкил этди.



### **Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**

2018-йил  
январь-сентябрь

2019-йил  
январь-сентябрь

#### **Юқори технологияли**

#### **Ўрта-юқори технологияли**



#### **Қуий технологияли**

#### **Ўрта-қуий технологияли**

Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳаси – 21,6 % (2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш 22,3 %), металлургия саноатининг улуши – 22,7 % (6,9 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 16,1 % (6,4 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 15,9 % (8,0 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш – 9,9 % (3,3 %) ни ташкил этди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда юк автомобиллари – 1,3 марта, енгил автомобиллар – 1,4 марта, автомобил двигателлари – 1,4 марта, автобуслар – 3,8 марта, юргизувчи ғилдираклар, уларнинг қисмлари ва жиҳозлари – 1,3 марта, радиаторлар, шовқин сўндиргичлар ва чиқариш қувурлари, уловчи механизмлар, рул чамбараклари, рул колонкаси ва рул механизмларининг картерлари ва уларнинг қисмлари – 1,4 марта ошди.

Технологик жиҳозларни капитал таъмирлаш ишлари кимё корхонлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳажмини ошириш имконини бериб, калий хлорид (2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 107,3 %), карбамид (120,4 %), аммоний сульфат (116,6 %) аммоний нитрат (113,8 %), акрил ва винилполимерлари асосидаги бўёқ ва лаклар (122,5 %), каустик сода (134,7 %), калий хлорид (107,3 %) ни ташкил этди.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан  
натура кўринишида айrim турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь- сентябрь	2018 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да
Енгил автомобиллар	дона	186432	140,4
«Дамас»	дона	36836	158,3
«Нексия»	дона	52176	139
«Джентра»	дона	29292	146,1

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь- сентябрь	2018 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да
«Спарк»	дона	15384	97,2
«Малибу»	дона	3566	2 м.
«Кобальт»	дона	38067	189,0
«Трекер»	дона	5733	-
«Каптива»	дона	6	0,1
Поршенли двигателларни ишга тушириш учун кўргошинли аккумуляторлар	минг дона	582,1	110,6
Юк автомобиллари	дона	4028	133,2
Автобуслар	дона	1339	3,8 м.
Тракторлар	дона	1099	41,9
Автомобил двигателлари	минг дона	140,2	144,7
Пахта толаси	минг т	325,1	63,4
Маргарин ва спредлар	т	7215,2	107,5
Куюлтирилмаган ва шакар қўшилмаган, ёғлилиги 6%дан юқори сут ва қаймоқ	т	285,7	76,1
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг т	1074,3	100,1
Узоқ сақланмайдиган бошқа нон маҳсулотлари	т	470,9	110,8
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	т	4465,4	45,4

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь- сентябрь	2018 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да
Пиво	минг литр	181552,4	106,9
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг т	107,9	85,2
Тамаки маҳсулотлари	млн.дона	8136,0	103,7
Автомобил бензини	минг т	758,1	86,8
Дизел ёқилғиси	минг т	763,4	94,6
Портландцемент	минг т	7265,7	118,5
Цементли клинкерлар	минг т	5779,9	114,8
Ип калава	минг т	210,0	142,6
Таркибида массаси бўйича 85 % ёки ундан ортиқ пахта толаси бўлган ип газламалари	минг.кв.м	53868,0	91,9
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар	минг т	14,2	122,5

### Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 14,1 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,0 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,1 % га ошганлиги кузатилди.

**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**  
**(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Электроэнергия	млн.кВт/ч	44 808,4	101,4
Иссиклик энергияси	минг Гкал	19 053,8	97,0

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш**

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1,8 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,8 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида алюминий бўлган иккиласмчи хом-ашёси – 1,7 марта, таркибида мис бўлган иккиласмчи хом-ашёси – 2,7 марта, ахлат ўраларни, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар – 2,0 марта, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматлари – 26,4 % га, оқава сувларни ёқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар – 33,3 % га, хавфли бўлмаган чиқиндиларни йиғиши хизматлари – 76,3 % га ошганлиги кузатилди.

**Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда йирик саноат корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

*(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)*

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Таркибида қора металлар бўлган иккиласмчи хом ашё	минг т	151,6	62,3
Таркибида алюминий бўлган иккиласмчи хом ашё	минг т	5,4	166,6
Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	млрд.сўм	162,4	133,3

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да</i>
<b>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами</b>	<b>234693,1</b>	<b>107,0</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>30838,2</b>	<b>101,9</b>
<ul style="list-style-type: none"><li><i>уласдан:</i></li></ul>		
кўумир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	25401,5	101,2
металл рудаларини қазиб олиш	4161,4	103,9
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	874,1	114,1
<b>Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)</b>	<b>187960,5</b>	<b>108,9</b>
<ul style="list-style-type: none"><li><i>уласдан:</i></li></ul>		
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	29876,9	108,0
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	30172,6	106,4
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмиrlаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, яrim прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	40636,8	122,3
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	18563,7	103,3
металлургия саноати	42693,6	106,9
<ul style="list-style-type: none"><li><i>кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш</i></li></ul>	<i>7150,0</i>	<i>88,4</i>
ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўкиш учун материаллар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	3951,9	103,4
<ul style="list-style-type: none"><li><i>ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш</i></li></ul>	<i>1113,1</i>	<i>105,7</i>

	<i>Млрд. сүм</i>	<i>2018 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да</i>
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	1535,8	109,4
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	11221,8	114,5
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	14140,9	101,1
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	1753,5	106,2

## Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истемол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (115,7 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 33,7 % ни ташкил этди.

## **2018 йилнинг мос даврига нисбатан 2019 йилда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, %**



Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида шароб ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 7,1 % ни (2018 йил январь-сентябрь ойларида 8,1 %) ташкил этди.

### Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби, %




### Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчилchorалар натижасида Андижон (2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 118,7 %), Хоразм (112,0 %), Тошкент (109,0 %), Наманган (114,4 %), Самарқанд (109,2 %), Бухоро (105,9 %) ва Фарғона (106,5%) вилоятларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

### Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш индекси


(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)

(ўтган йилнинг тегизили даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Тошкент вилояти (республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 16,7 % улушини), Тошкент шаҳри (16,7 %), Навоий (13,5 %), Андизон (10,0 %), Қашқадарё (6,1 %) ва Фарғона (6,1 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Худудларниң республика жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси, %**  
(2019 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуси Сурхондарё (1,2 %), Жиззах (1,5 %), Сирдарё (2,1 %), Хоразм (2,6 %) ва Наманган (2,7 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

**Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари  
ишлаб чиқариш ҳажми**

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда<sup>1)</sup></i>	<i>2018 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўм<sup>1)</sup></i>	<i>2018 йил январь- сентябрь ойига нисбатан, % да</i>
<b>Ўзбекистон</b>				
Республикаси	<b>234 693,1</b>	<b>107,0</b>	<b>78 978,9</b>	<b>115,7</b>
Қорақалпоғистон				
Республикаси	9 421,8	102,5	1 632,0	106,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	23 551,4	118,7	18 468,7	133,1
Бухоро	10 648,0	105,9	3 637,6	107,6
Жizzах	3 453,1	104,1	1 607,7	105,6
Қашқадарё	14 386,8	95,3	2 702,7	110,9
Навоий	31 680,1	101,9	2 315,8	103,9
Наманган	6 385,9	114,4	4 100,1	113,5
Самарқанд	11 688,6	109,2	6 786,5	104,6
Сурхондарё	2 882,6	107,6	1 084,1	106,8
Сирдарё	5 012,4	101,5	1 876,7	104,2
Тошкент	39 083,8	109,0	7 300,7	105,0
Фарғона	14 348,2	106,5	4 557,7	108,7
Хоразм	6 147,9	112,0	3 917,5	124,9
Тошкент ш.	39 104,6	107,0	17 400,4	108,2

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табакаланиши таҳлили Навоий вилоятида (32 129,9 минг сўм), Тошкент шаҳрида (15 441,7 минг сўм), Тошкент (13 412,0 минг сўм) ва Андижон (7 625,5 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (7 007,9 минг сўм) юқорилигини кўрсатмоқда.

<sup>1)</sup> Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни кўшиган ҳолда


**2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш, минг сўм**

	<i>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарши</i>	<i>Истеъмол моллари</i>
Ўзбекистон Республикаси	<b>7007,9</b>	<b>2358,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	5012,1	868,2

*вилоятлар:*

Андижон	7625,5	5979,8
Бухоро	5588,3	1909,1
Жиззах	2532,7	1179,2
Қашқадарё	4444,2	834,9
Навоий	32129,9	2348,7
Наманган	2301,9	1477,9
Самарқанд	3053,5	1772,9
Сурхондарё	1112,5	418,4
Сирдарё	5997,1	2245,4
Тошкент	13412,0	2505,3
Фарғона	3869,4	1229,1
Хоразм	3330,4	2122,1
Тошкент ш.	15441,7	6871,1

**2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол молларининг ўсиши,  
2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан %**




Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Андижон (2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 116,5 %), Самарқанд (106,9 %), Хоразм (110,1 %) ва Тошкент (107,5 %) вилоятларида кузатилди.

Шу билан бирга, Қашқадарё (93,4 %), Навоий (100,1 %), Сирдарё (99,7 %) вилоятларида ва Қарақалпогистон Республикасида (101,0 %) ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

#### **Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси**

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,6 % га ошишини таъминлади ва ишлаб чиқариш ҳажми 80,9 трлн.сўмни, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 34,5 % ташкил этмоқда.

**Худудлар бўйича йирик ва кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари  
ишлаб чиқаришдаги улуси, % да  
(2019 йил январь-сентябрь ойлари)**



■ Йирик корхоналар

■ Кичик тадбиркорлик субъектлари

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуси Наманган (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуси 76,6 %), Тошкент шаҳри (66,9 %), Жиззах (66,4 %), Самарқанд (54,5 %), Сурхондарё (51,2 %), Сирдарё (48,5 %) ва Фарғона (42,7 %) вилоятларида кузатилди.


Шу билан бирга, энг кичкина улуш Навоий (12,3 %) ва Қашқадарё (22,1 %) вилоятларида, Андижон (23,6%), Қорақалпогистон Республикасида (23,9 %) ва Тошкент (27,0 %) вилоятларида кузатилди.

**Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг  
ишлаб чиқарилиши**


Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 71,1 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Агар ўтган йил хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуси 33,2 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида у 30,3 %га камайди.

**Хорижий инвестициялари иштироқидаги корхоналар маҳсулотларининг  
саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, %.**



**Чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар маҳсулотларининг  
саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши**




Кўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий хажмида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналарининг улуси 26,5 %, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари улуси 73,4 % ни ташкил этди.

### **Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари**

Бугунги кунда республикада 68,6 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 14,7 минг (жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 21,4 %) – Тошкент шаҳрига, 7,5 минг (10,9 %) – Фарғона, 7,3 минг (10,6 %) – Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

### **Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик (2019 йил 1 сентябрь ҳолатига)**



**Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик  
(2019 йил январь-сентябрь)**



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида республикада 15841 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 51,3 % Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Андижон вилоятларига тўғри келади

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни  
маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши**

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритлган 775 та лойиха бўйича 15,4 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 433,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 8524 та янги иш ўринлари яратилди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда янги ташкил этилган иш ўринлари сони 9 марта га ошиди. Шу билан бирга 2018 йил январь-сентябрь ойлари га нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни экспорт ҳажми кўпайиш кузатилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

	<i>2018 йил январь-сентябрь</i>	<i>2019 йил январь-сентябрь</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	691	775
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	291	307
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	11 011,6	15 381,4
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	359,6	433,9
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	771	8524

## **Статистик кўрсаткичларга тушунтириш**

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми** – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тузидағи ишлар (хизматлар);

**Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари** – солиширма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичdir;

**Истеъмол моллари** – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади;

**Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми** – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

**Ишлаб чиқариши технологик ривожланиш даражасига кўра гурӯхлаш** Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

**маҳаллийлаштириш даражаси** – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушкини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солик тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди;

**маҳсулот сотиш ҳажми** – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно);

**миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.